



Da'vat

Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бири нинг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.

Абдулла АВЛОНИЙ

ТАШАББУСЛАРСИЗ
УЗОҚКА БОРИБ
БЎЛМАЙДИ

2-бет

МЕНМОНХОНА
ХАЙРАТ БИЛАН
ЯШАМОК БАХТИ
5-бет



9-бет

ЭКОЛОГИЯ
МУВОЗАНАТИ
ИНСОН
МУВОЗАНАТИДИР

11-бет

МУАЛЛИМА АЁЛЛАР
УЧУН ҚИЗИКАРЛИ
ХАБАРЛАР
14-бет

Ibrat

Андижон туманидаги Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳамда "Намуна" савдо-сотик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси Ҳакан қишлоғи болалари учун 320 ўринли янги мактаб биноси куриб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Тошкент Давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақомини бериш тўғрисида

Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбидаги истиқлол гояларига садоқат туйгуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига терсан сингдириш, Тошкент Давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига кўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фан ва техника давлат кўмитаси, Маърифатпарварлар ва Тарихчилар жамиятлари, Мустамлакачилик даври курбонлари хотирасини абавийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ва бошқа бир қанча жамоат ташқилотларининг тарихий ҳуҷжатларга асосланган хулоса ҳамда таклифларини инобатга олиб, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг асосчилари жадид зиёлилари, унинг ташкил этилган санаси эса 1918 йил 12 май деб белгилансин.

2. Тошкент Давлат университетининг нафакат республикамизда, балки минтақамида ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси эканини, олимлар ва ўқитувчилар жамоасининг фан ва таълим соҳасидаги юксак салоҳиятини, Ўрта Осиё давлатларида таълим ва илмий-тадқиқот тизимини шакллантиришдаги мухим ўрни ҳамда халқаро нуфузини назарда тутган холда унга «Миллий университет» мақоми берилсин ва у Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталсин.

3. Қуидагилар Ўзбекистон Миллий университетининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ёшлар қалбидаги истиқлол гояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйгуларини камол топтириш, уларни мустабид тузум йилларида қатагон қилинган фидойи ватандошларимиз хотирасига хурматэтиром руҳида тарбиялаш, ҳақиқимизнинг бекиёс илмий-маданий меросини чукур ўрганиш;

жамиятнинг илмий-маданий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ўртасида илмий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маннавий-маърифий савиясини ошириш;

миллий университет таълим тизими мини илгор илм-фан ютуқлари асосида тақомиллаштириш, мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўкув, илмий-услубий, маннавий-маърифий масалалар юзасидан таянч ҳамда етакчи олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсатишига эришиш;

жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, фаннинг мухим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаoliyatining давомийлигини таъминлаш, ривожланган мамлакатларнинг университетлари билан илм-фан ва олий таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни янада кенг йўлга кўйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичida мазкур Фармоннинг бажарилиши юзасидан тегишли қарор қабул қилисин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. Каримов

Тошкент шаҳри,
2000 йил 28 январь

МИРZO УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАСИС САНАСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАШАББУСКОР ГУРУҲ МАЖЛИСИННИНГ

БАЁНИ

Тошкент шаҳри

2000 йил 27 январь

ти раиси

О. Шарафутдинов — «Жаҳон адабиёти» журнали бош мұхаррири, профессор

И. Фауров — «Миллий тикланиш» газетаси бош мұхаррири

Ў. Ҳошимов — Ўзбекистон халқ ёзувчisi

(Давоми 2- бетда)

МАҲ КЕЛАЖАГИГА ИШОНЧ БОР

24-25 январь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган саммити якунлари доирасида ҳалқаро террорчиликка қарши кураш чора-тадбирлари, давлат раҳбарлари кенгаши раисини сайлашга оид ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Расмий делегациялар иштирокида ўтказилган ялпи мажлисда Россия Президенти вазифасини бажарувчи В. Путин давлат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб сайланди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Ҳамдўстлик бурилиш босқи-

чидаги турган ҳозирги пайтуда унинг етакчилари энг принципиал қарор қабул қилиганини — В. Путинни давлат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб сайлаганини таъкидлаб ўтди. Бу, деди мамлакатимиз раҳбари, МДҲнинг келажагига катта ишонч уйғотади.

Шунингдек, саммитда Ҳамдўстлик нинг ижория кўмитаси ҳамда иқтисодий кенгаши фаoliyatiга доир ва бошқа масалалар мухокама қилинди. Учрашувда МДҲнинг навбатдаги саммитини шу йил апрел ойида Москва да ўтказишга келишиб олинди.

Haftaning muhim voqeasi

ҮЙИН БИЛАН ҮЙГУН МАШГУЛОТ

Бошланғич синф үқувчилари күпрөк үйин ҳаракатларында машгулоттардың ёқтыра-дилар. «Математика фани шунчалық жиғділіккі, уни бир оз білеса ҳам қызықарлы қылыш имконини құлдан ықармаслик фойдаланып!», деган эди бир аллома. Мен иш тажрибамдан шу холосага көлдімкі, үқувчиларга ҳәттій мавзуларда билим-малака берішида уни үйин фаолияти билан боғлаша жаши натижада беради. Бошланғич синфларда математика дарссиның үтишда тест саволларын үйин орқали үтказыб күрдім вабу яхши натижада береди.

Бунда: үрик дарахты чизилген магнитли доска, қалин қоғоздан ясалған үрик меваси-нинг шакллари ва саватчалар бўлиши керак. Үрик меваларининг сони синфдаги үқувчилар сонига, саватчалар эса, қаторлар ёки гурухлар сонига тенг бўлади. Магнит доскасига қис-тириш учун үрик дарахти расми чизилган ва үрик меваларининг орқа томонига оддий қалам билан тест саволларни жавоблари ёзилган бўлади. Қайси жавоб тўғри бўлса, қалам билан белгиланади. Чунки бу қаламда ёзилган тест саволларини ўчириб, кейинги дарсларга янгисини ёзиш мумкин.

Үйиннинг бориши: магнит доскасига үрик дарахти чизилган бўлади. Унга эса үрик меваси шакллари ёпиштирилайди. Натижада үрик дарахти хосил бўлади. Үқитувчи үқувчиларга гурухларга бўлиниб,

Sinab ko'ring

үрик териш мусобақасида қатнашишни айтади. Гурухларга үрик солиши учун биттадан саватча беради. Бу шартни баражиш учун гурухдан тартиб билан биттадан үқувчи чиқади. Үрик дарахтидан биттадан үрик мевасини узиб, унинг орқасидаги тест саволининг аниқ жавобини қалам билан белгилashi керак. Кейин үрикни саватчага солади. Үйинда энг кўп тўғри жавоб белгилаган мева терган гурух болиб бўлади. Үқитувчи ва қолган үқувчилар тест саволларини тўғри белгиланишини назорат қиласи.

Агарда үқувчи тест саволининг жавобини нотўғри белгиласа, у үрикни писмаганини узган ҳисобланади ва бу үрик саватчага солинмайди. Навбатдаги үқувчи чиқиб белгилайди ва давом эттиради. Натижада шу гурух орқада қола бошлайди. Голиб чиқсан гурухга байроқча берилади.

Бу үйинни үтказиши орқали үқувчиларнинг дарсга қизиқишиларни ортиб боради. Бу эса уларни мустақил фикрлашга ўргатади. Болалар аста-секин тест саволларини қизиқиб баражидилар. Оддийдан мураккабга боргандан қийналиб қолишмайди. Биринчи синфдан бошлаб ўтиб борилган ана шундай тест саволлари кела-жакда яхши натижада беради.

Майрам РАХМОНОВА,
Сурхондарё вилояти Ангор
туманиндағы 5-мактабнинг
бошланғич синф
үқитувччиси



ФИДОКОР МУАЛЛИМА

Ислоҳот ва ўзғаришлар жараённанда мактаб раҳбарини бош ислоҳотчи, дейишиди. Бу – ҳақ гап. Гап шундаки, мактаб раҳбари лаёқати, искеъоди, тадбиркорлиги, нуғузи қандай бўлса, у ерда юз берадётган янгиланишлар даражаси ҳам шундай бўлади. Инчунун, Жиззах вилояти Бахмал туманинга қарашиб Мирзо Улуғбекномидаги 33-урта мактаб директори Гулжаҳон

Пардаеванинг ўзи доимо ҳамкасларига ибрат кўрсатади. Үқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилиб, уларга маслаҳатлар берини эса кандай қилмайди. Она тили ва адабиёт фани дарсларига ҳам янгиликлар олиб киради.

Суратда: мактаб раҳбари Гулжаҳон Пардаева навбатдаги машгулотини ўтаяпти.

ДАҲОГА ЭҲТИРОМ

Кўргонтепа туманинда ягона ҳисобланган Бобур номли 20-гимназия интернат-мактабида Навоийнинг 559 ишмий юбилийига тайёргарлик кўриши авж паллага кирди.

— Ижтимоий-гуманистар фанларга ихтисослашган ушбу гаргоҳда алломаларимизнинг ижодий меросини байрам ва кечалар орқали ёшларимизнинг онгига сингеришишнинг ўзига хос усули яратилган,—деги гимназия директори Раъно Бакирова. — Шунинг учун бўлса керак, жорий үқув ўилига тарих, агадиёт ўйналишлари бўйича ўнлаб үқувчиларни измуртабан ва вилоят олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб, республика олимпиадасига қатнашиши хукуқини кўлга кириттилар. Гимназияда таҳсил олаётган 200 нафар ўйигит -қизларимизнинг барчасига ижодкорлик лаёқати мавжуд. Уларни "Маҳорат" ижодкорлар клуби бирлашириб туради. Ҳафтанинг душанба ва чоршанба кунларига гимназияда агадий кечалар ўтказиш анъянага айланган.

Шаҳноза ЖЎРАЕВА
"Туркистон-пресс"

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Бугунги кунда Наманган вилояти Янгиқўрғон туманинда ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ёш авлод маънавиятини ошириш борасида туман ички ишлар ходимлари бир қатор тадбирларни ишлаб чиқдилар. 1997 йил охири 1999 йилнинг декабрь ойигача бўлган даврда ёшлар орасида жиноят содир этиш 15 фоизга камайгани фикримиз далиллар. Туман ИИБ ходимлари балоғатга етмаган болалар орасида 2 хил ўйналишдаги умумий ва иккаки тартибда тушунтириш ишлари олиб боришишмоқда. Мактаб үқувчилари билан биргаликда "Сиз қонунни биласизми?" сарлавҳаси остида очиқ дарслар уюштирилди.

Лекин тумаңда ёшларнинг маданий дам олишлари учун етарли шароитлар яратиб берилмаган. Шунинг билан бирга ёшларнинг спорт билан шугуланишлари учун спорт зали, спорт анжомлари ҳам етарли эмас. Мавжудлари ҳам бугунги кун талабарига умумий жавоб бермайди. Туман мутасадди раҳбарлари ички ишлар ходимлари билан биргаликда бир ёқадан бош чиқарип, ёшларга керакли шароитларни яратиб берсалар, тарвақайлаган дарахтларга тиরмашиб чиқиб, унинг учуда кечқурнгача йиглаб утирадик.

**Музаффар
САЙДАЛИЕВ**

Мактабимизда грипп бошланиб, шифокорлар каттаю кичикни тиббий күрикдан ўтказишарди. Улар мен дарс утадётган синфга кириб келишаркан, үқувчилик даврим эсимга тушди.

Болалигим қишлоқда утган. У пайтларда қишлоқ аҳолиси унча-мунча касал бўлса-да, негадир врачлик пунктига боравермасди. Ка-

да бир куни мактабимизга докторлар келишди. Синфда шивир-шивир бошланди. Орқа партада утирган "шеф" бирдан ўзини деразага урди. Ортидан биз ҳам. Синфда фақат қиз болалар қолишиди.

Буни қарангки, қочиб бориб тўпса-тўғри... қабристонга бекинибиз. Биримиз у мозор орқасида, биримиз – бунисида. Директоримиз

ИҲЛОС

(бадиа)

саллил ҳозиргидай оммавий тус олган пайтларда эса докторлар уйма-уй юриб муолажа қилишарди. Биз болалар уколдан ўлгудай қўрқардик, шунинг билан бирга ёшларнинг спорт билан шугуланишлари учун спорт зали, спорт анжомлари ҳам етарли эмас. Мавжудлари ҳам бугунги кун талабарига умумий жавоб бермайди. Туман мутасадди раҳбарлари ички ишлар ходимлари билан биргаликда бир ёқадан бош чиқарип, ёшларга керакли шароитларни яратиб берсалар, тарвақайлаган дарахтларга тиরмашиб чиқиб, унинг учуда кечқурнгача йиглаб утирадик.

Эсимда, еттинчи ё саккизинчи синфда ўқиётганимиз-

қўлида хипчин билан ҳайдаб чиқаргандилар ҳаммамизни...

Мана, бугун Яратган эгам менга у кишининг йўлларини берди. Синфдаги тинчлик ва осойишталики кўриб ич-ичимдан шукурлар қила-ман. Айниқса, ушанда қабристонга бекиниб, "у ёк" қа жуда шошганимизни алам билан хотирлайман ва раҳматли директоримизга ихло-сим янада ошади.

Каримжон КЎЧКОРОВ,
Тошкент шаҳридаги
28-мактаб директори

МАЗМУНИЛИ МАЛАКА

Киши булишига қарамасдан, А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ хоналарида баҳор нафаси уфуриб турибди.

Хоналар шинам, янги педагогик технология ва Таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган жиҳозлар курс тингловчиларининг диккатини ўзига жалб қиласи. Шундай хоналарнинг бирда турли вилоятлардан ташриф буюрган мактаб раҳбарлари йигилишиб, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", ДТС ва янги педагогик технологиянинг таълим-тарбия масканларида

қай даражада татбиқ этилаётгани ҳақида фикр-мулоҳазалар юритадилар. Олийгоҳнинг жонкуяр, фидокор устозларидан Б. Исломов, М. Алимов, Г. Саидов, М. Қоплонова, М. Маннолова, М. Абдулаева, С. Зияевларнинг ҳар бир ўтган ҳаёттӣ, мазмунли маъruzalari мулокот сифатида бўлиб, биз тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Устозларнинг сермазмун мулокотлари билан бир қаторда ўзларининг жойлардаги таълим-тарбия ишлари ва

муаммолари хусусида курс тингловчиларидан Самарқанд вилоятидан У. Тўхтамишев, Қашқадарё видояти Китоб туманидан Қ. Самадов, жиззах-

Tinglovchi fikri

лик А. Бердиков, З. Тураев, М. Тошпӯлатова, навоийлик З. Тошев, М. Бобоев, Тошкент вилоятидан Б. Назаров ва С. Пайзовлар қызықарлы фикр-мулоҳазаларини билдирилар. Таълим-

жараёнини юқори даражага кўтариш борасида билдирилган бу фикр-мулоҳазаларни ҳам бошқа курс тингловчилари ўзларига катта методик ёрдам сифатида қабул қилишди. Курс раҳбари Ж. Набиҳоновнинг ширинсухан, маданиятли ва маънавиятли инсон эканликларини биринчи сұхбатданоқ билдирилди.

Олийгоҳда ўтказиладиган ҳар бир учрашув, айниқса, Республика ҳалқ таълими вазири Ж. Йўлдошевнинг барча тинг-

ловчиларга қарат қилган мурожаатлари барчамизда катта таассуротлар қолдирди.

Бу учрашувлардан гурухимиз тингловчилари "Таълим тўғрисидаги" Қонун, ДТС талабларини амалга оширишда, Соғлом авлод йилидаги барча қилинадиган ислоҳотларда биз педагогларнинг зиммасига янада улкан масъулият ва талабчанлик юкланишини ҳис килдилар.

Г. РАУПОВА,
Қашқадарё вилояти
О. БУРҲОНОВА,
Самарқанд вилояти

Бугунги олий ўқув юрти талабаси вақт келиб, мутахассисга айланади.

Тошкент Давлат Фармацевтика институти республикамиз дорихоналарига кадрлар тайёрлаб берадиган ягона даргоҳ эканлиги сир эмас. Ушбу саҳифамизда мазкур ўқув юрти ҳаётидан ҳикоя қиласиз. Үнда:

- Тарихдан бир шингил
- Олтин даврнинг олтин лаҳзалари
- Олимлар яратган дорилар
- Ҳамкорлик мавзулари ўрин олди.

Yuzma-yuz

ОЛТИН ДАВРНИНГ ОЛТИН ЛАҲЗАСИ

Институт биноси, унинг ховлиси, аудиторияларидаги орасатлики, замон талабларига мос равишда безатилган турлар кўргазмали бурчаклар, лавхалар дикъатимизни тортди. Айниқса, янги моделдаги замонавий компютерлар масканга кўрк бағишилаб турибди. Хуш, олтин давр соҳиблари — талабалар нима дейишар экан?

Хумор Нишонова — фармацевтика факультети II курс талабаси:

Фармацевтика соҳаси менга жуда қизиқарли. Дарсларга фаол қатнашаман. Муаммолар деярли йўқ. Бугунги талаба — эртанги мутахассис. Биз мустақил, озод юртнинг эркин талаба ёшлиаримиз. Ўзимиз, изланишимиз, дунёкарашимиз билан дунё ҳамжамиятига дадил кириб боришимиз шарт. Демак, ўқиш, уқиб олиш учун олтин дамларни беҳуда ўтказмаслигимиз лозим.

Шоҳимардон Норов, шу факультет, шу курс талабаси:

Гоҳида муайян касб-кори йўқ, хунари, билими бўлса ҳам уни қаерда кўрсатишни билмайдиган, баъзан эса қийинчиликка дуч келганда довдидрайдиган, руҳан тушкунликка бериладиган, доим енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиб, умуман жамиятга, давлатга, юртига, халқига нафи тегмайдиганларни кўрсан, нафратланиб кетаман. Бизнинг ёшлиаримиз, бугунги талабалар бунинг акси ўлароқ фаол, ижодкор ва изланувчан бўлмоқлари лозим. Бугун ёшлиарга қўйилаётган талабалар, жумладан биз ўқиётган институт талаби ҳам худди шундай.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидағи дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасига 44 дан ортиқ препаратларнинг меъерији техник ҳужжатлари топширилган бўлиб, 1997 йилга қадар 17 та препарат учун ишлаб чиқариш ва тиббётда қўллашга руҳсатнома олинди. 6 та фармокологик модда клиник синовдан ўтмоқда, еттитаси дори воситалари сифатини назорат этиш ва экспертиза лабораторияси синовидан, 14таси эса экспертиза босқичларидан ўтляти. Бунда институт олимларининг ҳам улуши бор.

Қуйида улардан айримларининг рўйхатини эълон қиласиз.

* Тозаланган мўмиё субстанцияси. С.Искандаров, С.Аминов.

* Мўмиё таблеткаси 0,1.

С.Маҳкамов, М.Усуббоев, М.Қурбонова.

* Сув вазелин эмулсия асоси. З.Назарова, С.Аминов.

* Бентонит гели — ёрдамчи модда. З.Назарова, С.Аминов.

* Самарқанд бўзночи гули. И.Харламов.

* Майда гулли тог райҳони

ОЛИМЛАР ЯРАТГАН ДОРИЛАР

ути. Т.Пўлатова.

* Тукли эрва ўти. Қ.Юнусова.

* Диазолин таблеткаси 0,5 ва 0,1 г. С.Маҳкамов, М.Усуббоев, У.Назаров.

* Ёввойи сабзи уруги. Х.Комилов.

* Ферамид таблеткаси

Fan va hayot

0,5 г. М.Усуббоев, С.Маҳкамов.

* Сариқ андиз. А.Ибрагимов, А.Ганиев.

* Саминчўп. Ҳ.Холматов. М.Исомуҳамедова, Ў.Аҳмедов.

* Далаҷой ўти. Ҳ.Холматов.

* Регел қўзиқорин ўти. А.Ганиев, Т.Пўлатова.

* Арслонқўйруқ ўти. Т.Пўлатова.

* Жилонжийда. Ў.Аҳмедов, Ҳ.Холматов.

* Осиё ялпизи. Т.Пўлатова.

* Кийик ўти. Т.Пўлатова, А.Ягудаев, Р.Тўлаганов.

* Жўхори попуги. М.Раймова, Ҳ.Комилова.

* Чучукмия қуруқ экстракти таблеткаси. Ҳ.Юнусова, Ҳ.Жалилов, С.Искандаров, С.Аминов.

ҲАМКОРЛИК

Фармацевтика ва Агробиотехнология факультетлари жамоаси Марказий Осиё ҳудудига ўсадиган бойдоривор ўсимликлардан дори-дармон тайёрлаш, уларни стандартлаш каби йўналишлар бўйича Тошкент Фармацевтика за-

Rishta

води билан ҳамкорлик қиласи.

Завод буюртма-

йили институт уларга 25 нафар мутахассис кадрларни тайёрлаб беради. Талабаларни пул, маблағ билан таъминлашни завод ўз зиммасига олган.

Саҳифани Насриддин БОТИР тайёрлади.

Суратларда: институт ҳаётидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Tarix va bugun

ТАРИХДАН БИР ШИНГИЛ

Тарих ҳозирги ва келажак авлод учун ҳаёт сабоги бўлиб хизмат қиласи. Бир доинишианд шундай деган экан: “Уз тарихини билмаган ҳалқ иккى авлоддан кейин ўлади”.

Ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз тарихи бўлади. Дейлик, шеърият мулкнинг сultonи Алишер Навоий ўз бешинчи асрда яшаб ўтди, лекин унинг бозига қолдирган бой тарихий мероси авлодабад яшаб, ҳалқимиз учун хизмат қилмоқда.

Тошкент Давлат Фармацевтика институти ҳам ўз тарихига эга. Бу тўғрида маданий ва маътирий ишлар бўйича ректор мувонии Неммат Олимов шуларни сўзлаб берди:

Шуролар даврида рус шовинизми авж олдирилди. Маданий-маърифий, миллий қадриятларимиз ерга урилди, камситилди. Одамларимизнинг гурур ва ифтихори бўлган жонли тарихимиз қораланди, ҳис-туйгуларга кишин солинди, мустақиллик учун курашган пешвалоримиз катта этилди, гурурни топталди. Институтимизнинг барпо булиши ва унинг тараққиёт ўйли катта бир утмишдир.

Фармацевтика институти 1937 йилнинг 16 июляда Тошкент тиббiet институтининг айрим кафедралари таркибида ташкил топган. Унинг очилиши факат Узбекистон учун эмас, балки бутун Марказий Осиё миқебида фармацевтика таълими ва фанини ривожлантишида катта бир тарихий воқеа буди.

Уша даврда олийгоҳга раҳбарлик қилиш бошқа миллат вакиллари қулига топширилган эди. Чунончи, Э.Ю.Шурпе (1937 йил), П.Ф.Архантельский (1937), А.С.Волинский, П.А.Недрит (1938 йил)лар институтга директорлик қилишган. Кейинчалик маҳалий миллат вакилларидан кадрлар этишиб чиқиб, раҳбарликни зиммаларига ола бошадилар. Чунончи, профессор Д.Соҳибов, академик Е.Туракулов, профессорлар Н.Нишонов, М.Азизов, Э.Гошмуҳамедовлар турли ишларда раҳбарлик қилиб келдилар.

Институтда таълим ишлари изга тушиб кетди. Бу кимнинг хизмати? Албатта, профессор-уқитувчилар жамоасининг. Айниқса, бу борада Узбекистонда хизмат курсатган фан арбони, профессор Маннон Азизовнинг хизматлари бениҳоя каттадир. Укишининг фармацевтика соҳасидаги илмий изланишлари катта бир архивни ташкил қиласи. Координати биримлар соҳасидаги кашфиёт у кишини илмий жамоатчилик орасида машҳур қилди. “Ферамид”, “Коамил” дориларининг вужудга келиши шундай яхши имкониятлари билан бўлди.


Маннон Азизов қарийб 15 йил институтни бошқарди.

Академик Е.Туракулов, Узбекистонда хизмат курсатган фан арбони, профессорлар А.Муртазов, Р.Хазанович, К.Иоффе, З.Уманский, А.Хошимов, З.Манулкин, Узбекистонда хизмат курсатган уқитувчи, доцент А.Рахимов ва бошқалар фаолиятисиз институт тарихини тасаввур қилолмаймиз.

Биламизки, ишлар утиб, бу гунимиз ҳам утмишга айланниб қолади. Ҳозирги вақтда институт минглаб ёшлар уқиши истагида оқиб келадиган даргоҳга айланган. Үнда ҳар бир кунни қайнок утказиш имкониятлари изланмоқда.

Институт ректорати томонида 1999 йилнинг 13 октябрида кучга кирган 126-сонли бўйрүкка биноан, факультетлардаги 65 нафар мураббий ва 110 нафар талабалар маънавиятини юксалитиришга хизмат килувчи “Мальнивий бустони” мажмуйи фаолият курсатмоқда.

Хуллас, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган бизнинг Тошкент Давлат Фармацевтика институтида мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар дентиздан бир томчи. Бу томчилар йигилиб, бора-бора улкан денгизга айланшига шубҳа йўқ.



Бу инсонни кўпчилик танийди, кўпчилик танимайди ҳам. Деярли ҳар куни мўъжазгина хонасига келиб кетади, ўнлаб, юзлаб беморлар билан мулоқот қиласди. Даволайди. Ўриндикка камтаргина ўтиради. Ишига шўнгигб кетганидан атрофидагиларга эътибор қилмайди. Ўз ишидан бирор натижа топганида, бошини кўтариб, пешонасини рўмолчаси билан артиб қўяди. Сўзга киришади. Майнин оҳангда гапиради. Бир кўрсангиз билиб оласиз – қалбида, кўзида меҳри борлигини.

Оллоназар аканинг инсоний қиёфасига хос бўлган яна бир неча гапларни айтиб ўтиш мумкин. Гарчи у тиббиёт соҳасида дунё таниган, юртимиз довругини ошираётган, жаҳоншумул кашфиётлар соҳиби, Нью-Йорк фанлар академиясининг аъзоси бўлса ҳам. Аммо бу сафар у билан бўлган сұхбатимизни эълон қилиши мъекул топдик.

Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошири институти ультратовуш диагностикаси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Оллоназар Дўстмуродов асли қашқадарёлик. Ультратовуш диагностикаси тўғрисидаги 170 дан ортиқ илмий мақолалари Венгрия, Украина, Белоруссия ва бошқа кўплаб хорижий давлатларда нашр қилинган. 42 ихтиронинг янги соҳасига – анатомик ўзгаришлар тиббиётига ва контраст экография усулига асос солган. Қизиқсиниб сұхбатимизни шу мавзудан бошладик.

— Сиз айтган анатомик ўзгаришлар тиббиёти нима ўзи? Улар бугун қай дара жада амалиётда?

— Аввало тиббиётта боғлиқ бўлгани учун, мен сўзимни шундай бошламоқ чиман. 2000 йилнинг "Софлом авлод ийли" деб эълон қилиниши мени ва барча шифо аҳлини беҳад кувонтириди. Бунинг замира катта стратегик мақсад ётади. Президентимиз Ўзбекистон келажагини жисмонан бақувват, руҳан юксак, ижтимоий таъмин этилган баркамол авлодда кўрадилар. Буни қандай тушунмоқ, керак?

Табиатдаги мавжуд барча тирик ҳужайраларнинг Хейфс лимити бўлади, яъни яшовчанлик қобилияти. Масалан, қарга уч юз йил, баъзи ҳайвонлар бир кун яшайди. Уларнинг яшовчанлик қобилияти йўқолиши Хейфс лимитининг тугаси билан белгиланади. Шу мънода дунёда барча касалликлар деярли аниқлаб бўйинди. Рак касаллиги бундан мустасно. Сабаби унда ўлмас Хейфс лимитлари мавжуд. Шунинг учун ҳам унинг давоси йўқ. Тиббиётдаги шаклланган усул эса бугун инсоннинг касалликка чалинганидан кейин эмас, соғломлик пайтида текширув ўтказишни талаб қиляпти. Бу соғломликни ўзқотмаслиkdir. Кўпчилик тиббиётнинг асосий вазифасини касалликни аниқлаш, даволашда деб билади. Энди эса унинг вазифаси ўзгаряпти; соғлом авлодни касал бўлмасдан олдин кўриш. Буни иккинчи тиббиёт деса ҳам бўлади. «Софлом авлод ийли»ни шундай тушунмоқ, керакки, эртаниг жамият эгаларини ҳеч касалликларга чалинтирмасдан том маънода соғлом қилиб вояга етказиш. Бу ёш авлодга катта тарбия ва эътибор билан қарашни кучайтиради.

Анатомик ўзгаришлар тиббиёти эса касаллик беги бермасидан, тўкаби таъсир усуллари қайд қилиши мумкин бўлган пайтдан бошлаб аниқлаш ва даволашдир. Шу пайтгача клиник тиббиётда бемор шифокорга мурожаат этганидан сўнг муолажа бошланади. Биз яратган анатомик тиббиётда эса шифокор соғлом одамга мурожаат қиласди. У соғлом одамни текширувдан ўтказиб касалликни аниқлайди ва даволайди. Анатомик тиббиёт ўзида тиббиётнинг барча қарашни кучайтиради.

ди ва кўшимча равища анатомик ўзгаришлар бўлганди одам организмни ҳолатини ўрганади. Ҳудди космик тиббиёт организмнинг вазнлизлиқдаги ҳолатини ўргангандай. Ҳозирги пайтда анатомик тиббиёт организмнинг турға нуксонларини, турли ҳасталиклирни, она қорини текширишда, ўт-тош, буйрак-тош касалликларнинг асоратсиз турларини аниқлаша ўз ифодасини топмоқда. Келгусида оймавий шифокорлар анатомик тиббиёт имкониятларини аниқлашади. Биз шу усулга асосла-

ни кўп хотирлайман. У киши химия фанидан дарс беради. Тиббиёт институтига кирганимда ҳам у берган сабоқ, илмга ошнолиқ сири доимо йўлдош бўлган. Иккинчи бир хислати чин инсоний камтарлиги эди. Қабулимдаги беморнинг енгил торганини сезам, Эргаш акани хотирлайман. Ўндаги инсоний фазилатларнинг юксаклиги, дил озорлиги йўқлигини эслайман.

— Ўзингиз ҳам ўқитувчи, ҳам устозсиз. Шу пайтгача 12 нафар фан номзоди, иккича фан доктори тайёрлаган экансиз. Ўндан ортиқ ёш олимларнинг илмий ишларига раҳбарлик қиларсаниз...

— Бир нарсага сира тушунмайман. Нега бизда фан

энг аввало инсон онгига дунёдаги энг олий орзу – соғлом бўлиш орзу – эканлигини сингдиришга йўналтирилмоғи керак. Соғлом бўлиш – энг олий орзу, бу орзу бой бўлиш, уй қуриш, машина олиш, тўй қилиш ва бошқа барча орзуларнинг энг одида турмоги керак. Зеро, соғлом бўлмаган кишига дунёдаги барча бойлик ва лаззатлар бегона бўлиб қиласди. Унга ҳеч нарса татимайди. Ноң ейиш, кийим кийиш ҳисси қанчалик заруратга айланган бўлса, соғлом бўлишга интилиш ҳисси ҳам шундай зарурат бўлмоғи керак.

Собиқ тузум давридаги "бепул тиббий хизмат" одамларни саломатликка интилиш ҳиссидан маҳрум қилиб қўйганди. Одамларда касал бўлсан, дўхтири тузатади деган тушунча бўларди. Бунинг оқибатида соғлика учнадиги эътибор берилмасди.

Энди ҳалқимизда мана шу "саломат бўлишга интилиш" ҳиссисини шакллантиромимиз лозим. Бунинг учун саломатликнинг ҳар бир дақиқасини, соатини, кунини пул билан ўлчашни ўрганмоқ керак. Яъни, битта одий ҳасталик кишига жисмоний зарардан ташкири қанча моддий зарар етказишини, битта касални ташхислаш ва даволаш қанча туршиши жонли мисолларда кўрсата билишимиз лозим.

Одам табиатида эринчоқлик бор. Биз мана шу эринчоқлик дардига қарши курашни йўлга қўймомимиз лозим. Вақтида овқатланиш, дам олиш, ишлаш, ухлаш ва жисмоний тарбия

ниб эхинококкоз (жигар қурти) ҳасталигини, турли сурункали яллиганишларни, ўт-тош, сийдик-тош касалликларнинг аниқлаша ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқдик.

— Қайсиdir китобда ўқигандам, шифокор юзидағи табассум беморга бериладиган биринчи тиббий муолажа эканлигини. Батъи шифокорларда бундай ҳолатни учратмайсиз.

— Биласизми, шифокор беморнинг баданига қўлини ўйганида касаллик белгиланни билиб олиши мумкин. Тана ҳарорати, кўз қараши, нафас олиши, оғиз ҳиди ва бошқа ҳаракатлар бўнга сабаб бўлади. Демоқчиманки, шифокор бемордаги касалликни аниқламасдан олган муолажани бошлаши керак. Бу, сиз айтгандай унинг табассум қилиши. Бемор ўта сезигир бўлади. Қўпол ҳаракат унинг касалликнинг оғирлаштириши мумкин. Қўп жиҳатдан масала шифокорнинг олган тарбияси ва маънавиятига боғлиқ бўлади.

— Биринчи ўқитувчинингизни қандай хотирлайсиз?

— У жуда меҳрибон эди. Аниқ эслайман, одигина юарди. Аммо унинг ширин-сўзлиги ҳаммасидан устун турарди. Исли Нормўмин эди.

Ҳозир ҳам мактабда таълим берган устозларимни кўрганимда, болалигим кўз олдимдан ўтади, уларга меҳрибон янаям жўшиб кетади. Улар қалбимизга "Илм" деб атальмиш сирли оламнинг муҳаббатини солишган. Ва, мана шу муҳаббат билан ҳануз яшайман, илм олайман, ижод қиляпман. Айниқса, марҳум ўқитувчим Эргаш Бобоқулов-



энг аввало инсон онгига дунёдаги энг олий орзу – соғлом бўлиш орзу – эканлигини сингдиришга йўналтирилмоғи керак. Соғлом бўлиш – энг олий орзу, бу орзу бой бўлиш, уй қуриш, машина олиш, тўй қилиш ва бошқа барча орзуларнинг энг одида турмоги керак. Зеро, соғлом бўлмаган кишига дунёдаги барча бойлик ва лаззатлар бегона бўлиб қиласди. Унга ҳеч нарса татимайди. Ноң ейиш, кийим кийиш ҳисси қанчалик заруратга айланган бўлса, соғлом бўлишга интилиш ҳисси ҳам шундай зарурат бўлмоғи керак.

Тартибга ўрганиш учун ҳам тарбия керак. Бу соҳага Шарқ, хусусан, бизнинг ҳудудимиздан етишиб чиқсан алломалар катта эътибор беришган. Улар қолдирган рисолаларда тиббий тарбиянинг етук ифодасини кўриш мумкин. Ибн Сино, ар-Розий ва бошқа ўйлаб мутафаккирларимиз ўзларининг пурхикмат сўзларини асарларига битиб қолдирганлар. Ҳатто баъзи рисолаларда ҳомилани қандай тарбия қилиши, ҳималарни истеммол қилиш ҳақида ҳам батафсида маълумотлар берилган.

— Демак, тиббий муолажа бемор тўшагидан бошланади, деган фикр ўз кучини ўқитаркан-да...

— Ҳа. Эски иборалар энди ўзгарди. Тиббий муолажа соғлом одамдан бошланади. Унинг вазифаси соғлом одамнинг касалликка чалинишига йўл қўймаслик. Мазкур вазифа уч ўйналишда аниқлашади. Шунинг учун

Мехмонхона

Биринчиси, бу давлат миёнсида аниқлашадиган вазифа бўлиб, атроф-муҳит, озиқ-овқат, кийим-кечак, сув-тупроқни тоза саклаш – экология йўналиши ҳисобланади.

Иккинчиси, соғлом турмуш тарзи. Бу инсоннинг бевосита ўзи аниқлашадиган вазифаси.

Учинчиси, соғлом одамларнинг тиббий мониторингини йўлга қўйиб, уларда қасалликни барвақт аниқлашадиган тарзи. Бу тиббиёт ходимларни томонидан аниқлашадиган вазифаси.

Эътибор қилган бўлсан, сұхбатимиз яна соғлом авлод мавзусига келиб тақалапти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликка эришганимиздан сўнг республикамиз ҳукумати томонидан инсон саломатлигини сақлашга доир жуда катта ишлар қилинди.

Ийрик тадбирлардан биринчидан юртимизда автомобил саноатининг вужудга келишидир. Бу ҳаво мусаффолигини сақлашда ёрдам беради. Янги автомобилларда аниқлашадиган вазифаси касални ташкирини жуда кам миқдорда зарар етказади. Нефть ва дон мустақиллиги тўкин ҳаётни ифодалайди. Енгил саноатдаги ўзгаришлар озиқ-овқат ва кийим-кечак тозалигини таъмин этмоқда. Тиббиёт соҳасида ҳам талай ютуқларга эришилди. "Софлом авлод учун", "Экосан", "Ибн Сино" жамармалари тузиди. Улар ҳозирда фаолият кўрсатади. Даволаш муассасалари тиббий технологиялар билан таъминланди. Янги диагностика ва даволаш усуллари ишлаб чиқимоқда.

Ватанимизда умрబод ультратовуш мониторинги концепцияси ишлаб чиқида ва аниқлайтида табибида. Бу концепциянинг моҳияти – ҳомила пайдо бўлгандан то инсон ҳаётни сўнгигача ультратовуш ёрдамида текширилб турилади. Касаллик барвақт аниқланиб, асорат бермасдан даволанади. Масалан, беморда буйрак тоши катталашиб кетса уни жарроҳлик йўли билан даволашади. Агар у олдиндан аниқланса, 2-3 миллиметр ҳажмдалигида, тиббий муолажа билан тушириб юбилишидади.

— Сизни шеърият ошноси, бадиий асарларни тўлқинланиб гапириб беради, дейишиади. Адабиёт, умуми тибобати ўқиши сизга нима беради?

— Ҳайрат. Китоблар мени ҳайратлар оламига етаклайди. Шеърни ҳайрат билан севаман, китобни ҳайрат билан ўйлайди. Ҳайрат билан илмга шўнгийман. Ҳамма ишмуга ҳошиш эмас, ҳайрат билан кириб бораман. Мен учун асосийи шу. Нима топаман, ёки йўқ, бу бошқа масалан. Оламнинг, инсон ва ҳайвонларнинг яратилишидан ҳайратланмай бўладими! Она қорнидаги ҳомилани кузатганимисиз. Бизда маҳсус ускуналар ёрдамида уни кўриш имконияти бор. Бу, мўъжиза, ҳайратланиш эса қалбни ўйғорлади. Мен ундан ширин азоблар тутаман.

— Сұхбатимиз сўнгтида, сизга "Маърифат" мемони бўлганингиз учун ташаккур билдираман.

Сұхбатдош:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ.

БОЛА БОШИДАН ...

"Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" таянч дастури ишлаб чиқилғанлигидан газетхонларимиз хабардор. Бу дастур дастлаб Республикализинг 17 та мактабгача таълим муасасаларида тажриба-синовдан ўтиди ва ҳар бир туманинг 2 тадан мактабгача таълим муассасалари яна тажриба-синов майдончаси сифатида танлаб олинди.

Худди шундай тажриба-синов майдончаси сифатида танланган муассаса Фарғона вилояти Учкўприк туман ҳалқ таълими бўлимига қарашли 19-“Шодлик” мактабгача таълим муассасасидир.

Тўғриси, бу даргоҳа келганимда қишлоқ ҳудудида жойлашганлиги учун болалар тарбиясига, улар дунёқарашини ўстиришга катта аҳамият бе-

1

рилмаса керак, деб ўйладим. Лекин хоналарни, у ердаги кўргазмали куроллар, болажонлар севиб томоша қиласидан мультфильм қаҳрамонларининг расмлари, турли жиҳозларни кўриб ҳавасим келди. Бонча мудираси Каримахон Маҳмудова ўз ишини биладиган, уддабурон, болаларни жондилдан яхши кўрадиган аёл экан. У киши менга тажриба-синов майдончасида қилинаётган ишлар хусусида қўйидагиларни гапириб берди:

— Бизнинг мактабгача таълим муассасамиз тажриба-синов майдончаси сифатида танлаб олинганидан жуда хурсанд бўлдик. Биз болажонларни мактабга тайёрлаш, уларда мустақил фикрни ривожлантириш мақсадида дастур ишлаб чиқилмасдан аввал ҳаракат бошлаб юборган эдик. Мана, кўриб турганингиздек, ҳар бир гуруҳ болаларнинг ёшига мослаб тузилган. Ўзин бурчаклари ҳам турли кўргазмали куроллар билан тўлдирилган. Ўзбекона безатилган бурчакларда болажонлар ўзбек урф-одатларини, миллий қадриятаримизни ўрганадилар. Ўзлари мустақил тўй,

2

бешик тўйи, ҳашар каби саҳна кўринишлари намойиш этадилар. Биз фарзандларимиз ўз фикрига эга бўлган, мустақил тафаккур юритадиган йигит-қизлар бўлиб етишинлар, деб ният килганимиз ва бу ниятимиз амалга ошиши учун ҳаракат қилилгиз. Бир нарсадан жуда хурсандман. Аввалидек белгиланган режа асосида, қаттиқ тартибида болани бу даргоҳда ушлаб турмаймиз. Яъни, болага шу соатда ухла, шу соатда расм чиз, шу соатда ўйна, деб ҳеч ким айтмайди. Бола турли ўйинлар асосида ўз дунёқарашини шакллантириб боради. Бола бу ерда зерикмайди. Чунки улар кизикадиган, болажонларга керак бўладиган ҳамма нарсанни муҳаёй қилганимиз.

Бу даргоҳ ҳақида, у ерда қилинаётган ишлар ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Тажриба-синов давом этмоқда. Унинг истиқболини вақт аталмиш олий ҳакам кўрсатади.

Зеро, ниҳол қанча эрта ва қунт билан парвариш қилинса, у биз истаган мевани беради.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

3



Тарбиячи болаларга бир қанча ҳайвонларнинг расмини кўрсатаркан, улардан сўради:

— Болажонлар, булар қандай ҳайвонлар?

— Ўй ҳайвонлари, — деди Дилафрўз.

— Баракалла. Энди мана бу расмга қаранг-чи, бу қайси ҳайвон экан?

— Бу ўй ҳайвонларидан қўй, — деди Жамшид.

— Қўй нима ейди?

— Ўт, — деди Феруза.

— Қўйларни ким боқади?

— Чўпон, — деди Дилмурод.

Тарбиячи Мунира Зиямуҳамедова ўрта гуруҳ шириентойлари билан ўтказган машгулотда мушук, кучук, эчки, сигир ва улар болаларининг номланиши, қандай овоз чиқариши, нималар билан овқатланиши, келтирадиган фойдалари ҳақида савол-жавоб ва тошишмоқлар орқали болаларнинг билимларини мустаҳкамлади.

— Бугун болажонлар, сизлар билан “От ва унинг боласи тойчок” ҳақида суҳбатлашамиз, — деди тарбиячи.

Таянч дастурда ўрта гуруҳлар учун фақат сигирнинг ўзи берилган бўлса, мужассам машгулотда Мунира Зиямуҳамедова ижодий ёндашган ҳолда бир

қанча ўй ҳайвонлари ва болаларининг номланиши, келтирадиган фойдаси, уларни севиш, парвариш қилиш йўллари ҳақида тушунча берди ҳамда топишмоқлар билан танишиди. Тарбиячи машгулот жараёнда “Тойчоклар” ўйинидан ижодий фойдаланди.

— Болани тўгри талаффуз қилишга ўргатиш учун, — дейди тарбиячи Мунира Зиямуҳамедова, — логопед Жа-

Мадина Жўраева раҳбарлигида катта гуруҳ ва Раъно Раҳимова бошчилигига тайёрлов гуруҳларида ҳам тажриба-синов ишлари амалга оширилаётir. Р. Раҳимова ўтган мужассам машгулотда нутқ ўстириш билан риёзиётни ўзаро боғлаган ҳолда қиши ойлари билан танишиди. 10 сони ичидаги тўгри ва тескари санаш, 10 ичидаги сонларнинг қўшини сонларини топиш, предметнинг қоғоз сати-

Tajriba-sinov maydonchalarida

лаш” дастурида, — дейди боғча услубчиси, ҳалқ таълими аълочиси Саодат Мажидова, — болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишига аҳамият берилган. Тажриба-синов олиб борилётган гуруҳлардаги машгулотларда дастур қисмлари ўзаро боғлаб, ижодий ёндашган ҳолда, асосан ўйин

ТШМОИда бир неча бор намойиш қилинган.

Боғчада жисмоний тарбия таълим-тарбия мазмунининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Лутфулла Солиҳов машғулотларда болаларнинг жисмоний ривожланишини таъминловчи ҳаракатли ўйинлар номи, югуриш, сакраш қоидалари ва унда фаол иштирок эта олиш, ёшига мос тарзда белгиланган нормативларни баҳариш, сафланиш, чақон ҳаракат қилиб чиниқтириш машқлари олиб бораётir.

Бу ерда болаларларнинг мантиқий фикрлар қобилиятларини ривожлантирувчи 2 та Монтессори методи асосидаги тўлиқ жамлама ва тарқатма доналар мавжуд.

Аҳил, изланувчан жамоада тарбия топаётган ўғил-қизлар буюк давлатимизнинг муносаб ворислари бўлиб етишишларига ишончимиз комил.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратларда: боғча ҳаётидан лавҳалар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ҚУВНОҚПАР ДАВРАСИ СӨҒПИҚ ГҮПШАНИ

мила Юнусова ва Нилуфар Қодировалар ёрдамида “Қувноқ филча” эртагидан фойдаланяпмиз. Болалар қизиқиб тақрорлашаётir. Дастурдаги “Нўхат полвон ва туз” ҳақида эртак бирмунча мурakkabroq бўлгани сабабли қайта тақрорлашга тўгри келаётir. Болаларнинг қабул қилиши қийинроқ кечяпти. Гуруҳ тажриба-синов майдончаси бўлгани боис ўргатяпмиз. Менимча, мазкур машгулотни йил охирида ёки катта гуруҳда ўтилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманинага 19-болалар бўлгасида “Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш” дастури бўйича

ҳида жойлашган ўрнини аниқлаш, катак қоғозга кўпбурчакларнинг моделини тасвирилашга ўргатди. Болаларнинг йил фасллари, қиши ойлари, унинг хусусиятлари ҳақида тасаввурларини аниқлади. Шунингдек, нутқ ўстириш машгулотида сўз ва бўғин ҳақида, товушларнинг юмшоқ ва қаттиқ талаффуз қилиниши, унли ва ундош товушлар ҳақида билимлари мустаҳкамланди.

Болалар бўлгасида 14 та (3 таси маҳсус — нутқида нуқсони бўлган болалар) гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 370 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланади. Тажрибали тарбиячилар Оқила Маҳмудова, Холида Тошибоева, Маргуба Шокирова, Ҳалима Алимоваларнинг очиқ машгулотлари ХТХМОМИ ҳамда

орқали ўтилаётir. Дастур мавзуларидан келиб чиқиб, ижобий томонларидан оддий параллел гуруҳларда ҳам фойдалана бошладик. Ёмон бола йўқ, ёмон тарбиячи бор. Тарбиячи болаларни дилдан севса, сабр-тоқат билан яхши ишласа бола, албатта, ўзлаштиради.

Маскандар рақс, инглиз тили, рус тили, пазандалик, тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар, каратэ сингари тўгараклар болажонлар хизматида.

Тажрибали тарбиячилар Оқила Маҳмудова, Холида Тошибоева, Маргуба Шокирова, Ҳалима Алимоваларнинг очиқ машгулотлари ХТХМОМИ ҳамда

ЮҚСАК ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига қарашли ўқув даргоҳлари мураббийларининг илғор мамлакатлар таълим тизимидағи ижобий тажрибаларни ўрганишини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Устоз" Республика жамғармаси ўтказаётган навбатдаги семинар "Канада таълим тизимининг хусусиятлари" мавзусига бағишиланди.

Семинарда тўрт нафар канадалик етук эксперталар маҳсус дастур асосида маърузалар киляпти. Ушбу дастурга кўра, машғулотларда замонавий компютер воситаарини ишлатиш, умумтаълим тизимидағи педагогик технологиялар ва масофали таълим усуслари чуқур ўрганилмоқда.

—Турли даражадаги эксперт-ўқитувчилар, хусусан, қасб-хунар коллежлари ва академик лицеилар ўқитувчилари малакасини ошириш келгуси асрда бажариш зарур бўлган таълим ислоҳотларида мұхим аҳамият қасб этади,— деди канадалик эксперт, жаноб Балтер Фроес.

